O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
3 май
ШАНБА
№ 34
(12.045)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

2008 йил – Ёшлар йили

ОЛИМПИАДА ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТМОҚДА

МАКТАБ ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадаси иштирокчилари 30 апрель – 1 май кунлари мусобақанинг I ва II назарий турлари топшириқларини бажарди.

Россия, Украина, Белорусь, Молдова, Руминия, Қозоғистон ва мамлакатимиз вакилларидан иборат Халқаро ҳакамлар ҳайъати ўқувчиларнинг масала ва топшириқларни бажариши, мусобақанинг Олимпиада низомига тўлиқ риоя қилинган ҳолда ўтишини назорат қилиб бормоқда.

М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети профессори, Олимпиада Халқаро ҳакамлар ҳайъати раиси Валентин Ненайденконинг таъкидлашича, ўқувчиларга берилган савол ва топшириқлар устида бир йил давомида иш олиб борилган. Кимёнинг – органик, анорганик, аналитик, физика, полимерлар кимёси ва бошқа бўлимлари бўйича тузилган масала, топшириқларни ечиш ҳаттоки, профессор, академик даражасидаги олимлар учун ҳам қийинчилик туғдиради.

Олимпиада иштирокчилари эътироф этганидек, ушбу беллашув ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтмоқда. Мусобақа тарихида илк бор барча иштирокчиларнинг бир вақтда ва бир жойда масалаларни ечиши, топшириқларни бажариши учун шароит яратилди. Ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган ўрин мамлакатимизда ўқувлаборатория жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Elxolding" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тақдим этилган кимёвий асбоб-ускуналар ва реактивлар билан жиҳозланган.

– Олимпиадада Ўзбекистон шарафини 10 нафар ўқувчи ҳимоя қилмоқда, – дейди Ўзбекистон терма жамоаси раҳбари, Республика таълим маркази директори Ислом Зокиров. – Ўқувчиларимиз 1997 йилдан буён Халқаро Менделеев олимпиадасида мунтазам қатнашиб келмоқда. Шу боис бизда ўқувчиларни беллашувларга тайёрлаш борасида етарлича тажриба тўпланган. Жамоамиз аъзолари юртимиз умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида туман, шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилган саралаш мусобақаларида танлаб олинди. Олимпиаданинг якунига етган I ва II назарий туридан сўнг шогирдларимизнинг кайфияти кўтаринки. Улар беллашувда муваффақият қозониб, совринли ўринларни эгаллайди, деб умид қилишимиз учун барча асосларимиз бор.

Олимпиаданинг маданий дастурига кўра беллашув иштирокчилари Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмасини томоша қилади. "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, халқаро кўрик-танловлар иштирокчилари билан учрашувларда қатнашади.

Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишади. Якунловчи натижалар 4 май куни эълон қилинади.

ЎзА.



ЎзА сурати.

Шукрона

БАҒРИМИЗ БУТУН, КЎКСИМИЗ ТОҒ

ҲАР тонг кўкка тикилиб, кўксим тўлиб нафас олишга одатланганман. Осмоннинг тиниқ ва мусаффолигини кўриб шукроналар айтаман. Ахир шундай тинч ва осуда замонда ҳаёт кечириш орзусида не-не заҳматларни чекмадик.

Мана, бугун барча иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари қатори менинг ҳам қувончим чексиз. Қўлимда Президентимиз имзолаган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармон чоп этилган газета. Уни қайта-қайта ўқиб, тўлқинланаман.

Ҳар йили яратилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиб, хушҳаво санаторий ва оромгоҳларда дам олишни канда қилмайман. Маҳалла-кўй дейсизми, туман жамоатчилик вакиллари дейсизми, ҳамма биз кексаларни қўллари кўксида кутиб олишади. Эҳтиром, иззат ва ҳурмат шунчалик бўлар-да! Бу фақатгина менинг эмас балки тумандаги барча уруш қатнашчиларининг ҳам дил сўзларидир.

Абдусаттор ЮСУПОВ,
иккинчи жаҳон уруши ногиронги,
Куйичирчиқ тумани.

ЎЗГА ЮРТДАН ТОПОЛМАЙСИЗ

ВАТАН қадрини ундан бир оз муддатга бўлсада йироқлашган кишигина ҳис қила олади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бошимдан кечган оғир қисмат, 5-6 йил ватандан айро юриш, унинг тупроғи исидан бебаҳра бўлиш она юртга бўлган муҳаббатимни беҳад оширган. Яратганга шукрки, бугун ўз юртим, оилам бағрида қарилик гаштини суриб юрибман. Ўз Ватанингда сенга кўрсатилган иззат-ҳурмат, эътиборни ўзга юртдан тополмайсан...

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Юртбошимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони фикримнинг ёрқин далилидир. Аммо, асосийси моддий рағбат эмас. Ҳукуматнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрлиги, иззат-икромларини ҳеч қандай моддий неъмат билан ўлчаб бўлмайди. Мен ёшлар давраларида уруш оқибатлари ҳақида сўзлашдан чарчамайман. Зеро, ёшлар Ватаннинг, миллатнинг қадрига етсин, уни улуғласин, юрт равнақи учун умрини бахшида этсин.

Раҳим УСМОНОВ,
иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси,
Зангиота тумани.

ЗАНГИОТА туманида «Соғломжон-полвонжон» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

ҒОЛИБ «ҚЎНҒИРОҚЧА»

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилаётган бу танлов халқ таълими, «Соғлом авлод учун» таянч пункти ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Танловда иштирок этган 2-, 9-, 11-, 16- ҳамда 32-мактабгача таълим муассасаларининг кичкинтойлари спортнинг ёшга доир ўнга яқин тури шартларини бажаришди. Якуний натижаларга кўра, 16-мактабгача таълим муассасасининг «Қўнғироқча» жамоаси туман босқичи ғолиби деб топилди.

Саид ҲАСАНОВ.



"ОЛТИН ҚАЛАМ"НИНГ ЯНГИ СОВРИНДОРЛАРИ

"ТУРКИСТОН" саройида журналистика соҳасида "Олтин қалам" учинчи Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

3 май – Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, олий ўқув юртларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий матбуотни, оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Бу йўналишда мукаммал иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиёти стратегиясида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислоҳотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлидаги эришган ютуқларимизни ўз вақтида, холис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда юртимизда мингдан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият олиб бормоқда. Уларнинг эркин ва мустақил фаолият юритиши, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист ва техник мутахассислар касбий маҳоратини юксалтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда юртимизда ахборот алмашинувини изчил йўлга қўйиш, интернет журналистикасини жадал ривожлантириш, аҳолининг ахборотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ривожи йўлида кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларидан янада юксак масъулият, мавжуд шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, Ватанимиз миллий манфаатларининг дунё миқёсида ишончли ҳимоячисига айланишни талаб этмоқда.

Бир неча йилдирки, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказиб келмоқда. Ушбу ижодий беллашувдан кўзланган асосий мақсад миллий ва халқаро журналистиканинг илғор ютуқларини оммалаштириш, журналистларнинг фуқаролик позициясини намоён этиши учун шароит яратиш, ижодкорларда танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янгича ёндошувни шакллантиришдан иборатдир. Шу билан бирга, танлов изланувчан, ташаббускор, фидойи, қатъиятли қаламкашларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, янги ижодий марралар сари даъват этиқига хизмат қилмоқда.

Танловнинг журналистика соҳасидаги бош миллий мукофотини қўлга киритган "Ўзбекистон" телерадиоканали – директори Хуршид Даврон – махсус диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида пул мукофотига сазовор бўлди.

Танловнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистикаси бўйича, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар бўйича совриндорлари аниқланиб, пул мукофоти билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

КОЛЛЕЖДАН ИШ ЖОЙИГА

ПАРКЕНТ туманидаги агросаноат касб-ҳунар коллежида ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги 90 дан ортиқ фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар, ташкилот ва муассасалар, шунингдек, қўшни Юқоричирчиқ туманида фаолият юритаётган тадбиркорлик тузилмалари вакиллари бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ўқув йилида коллежни 6 та мутахассислик бўйича 285 нафар талаба тамомлайди. Асосий мақсад уларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришдир. Ярмарка мобайнида иш берувчилар ва коллеж битирувчилари учун эркин мулоқот муҳити яратилгани талабаларнинг ўз хоҳиш-истакларига қараб иш танлашларига имкон берди.

Шу куни агротехник машина ва ускуналарни бошқариш ва таъмирлаш, ўсимликшунослик, бухгалтерия ҳисоби, ҳосилотлик, чорвачилик ва паррандачилик каби йўналишларда таҳсил олган қарийб 200 нафар битирувчи ўзларига муносиб иш танладилар.

Тадбир вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан туман ҳокимлиги кўмагида ташкил этилди.

Шуҳрат ТОҲИР.

Қонунларни ўрганамиз

Маълумки, ўтган мустақиллик йилларида амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг бош мазмун-моҳияти инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу айниқса бугунги кунда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий моҳияти – фуқароларнинг кундалик талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларни товар ва хизматларни замонавий турлари билан таъминлаш ҳамда улар учун ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароитларини яратиб беришда намоён бўлмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида таъкидланганидек: "Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун" деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади".

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Бугунги кунда мамлакатимизда бозор принципларига асосланган кўп тармоқли иқтисодиётнинг қарор топганлиги ҳамда моддий ишлаб чиқариш, турли хизматлар кўрсатиш соҳасида хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорлик субъектлари сонининг сезиларли даражада ошиб бораётганлиги, товарлар ва хизматлар ассортиментининг ўтган йилларга нисбатан кўпайиб бораётганлиги (хусусан Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари бўйича саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2006 йилда 110,8 фоиз, 2007 йилда эса 112,1 фоизни ташкил этган), эркин рақобат муҳити шароитида истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжларининг шаклланаётганлиги, ўз навбатида бу соҳадаги қонунчилик тизимини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Жумладан, Конституциямизнинг 53-моддасида истеъмолчилар ҳуқуқларининг устунлигини таъминлашга оид норма ўз аксини топган бўлиб, жумладан унда, "Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди" дейилган бўлиб, мазкур истеъмолчи ҳуқуқларининг белгиланган кафолатлари эса бугунги кунда **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 1996 йил 26 апрелдаги "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни** нормалари билан батафсил тартибга солиниб келинмоқда.

Албатта, мазкур қонунлар ўтган давр мобайнида ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларда **"истеъмолчи доимо ҳақ"** деган қоиданинг амал қилишида муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтади. Бундай қоиданинг вужудга келишига асосий сабаб бозор иқтисодиёти қонуниятлари ҳисобланган талаб ва таклиф, эркин рақобат шароитида ҳукмдорлик жиҳатидан анча "заиф" бўлган истеъмолчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Аммо, шу билан бирга бугунги кунда кенгайиб ва ривожланиб бораётган бозор муносабатларига мос келувчи, харидор манфаатларини етарли ҳимоя қила оладиган самарали назорат механизмларини жорий қилиш, истеъмолчиларга ўз ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишларини кафолатлаш, маҳсулот ва хизматларни реализация қилинишида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш тизимининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Умумармия ўйинлари

ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

ТОШКЕНТ ва Чирчиқ шаҳарларида спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича учинчи "Умумармия ўйинлари" мусобақаси бошланди. 7 майгача давом этадиган ушбу тадбирда жамоалар спортнинг ҳарбий учкураш, офицерлар учкураши, кураш, кўпкураш, енгил атлетика, тош кўтариш, волейбол ва қўл жанги бўйича ўзаро куч синашади.

Чирчиқ шаҳридаги "Олмос" спорт соғломлаштириш мажмуида мазкур мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, талаба-ёшлар, спортчилар ва таниқли санъаткорлар йиғилди.

...Байрамона безатилган мажмуага мусобақа қатнашчилари – 14 жамоа вакиллари кириб келади. Давлатимиз мадҳияси янграйди. Оғир атлетика бўйича икки карра Осиё чемпиони, кичик сержант Игорь Халилов, нишонга отиш бўйича бир неча бор Осиё ўйинлари чемпиони, кичик сержант Наталья Долбилина, халқаро тоифадаги спорт устаси, оддий аскар Яна Фатхи, Марказий Осиё спорт ўйинлари кумуш медали совриндори, сержант Владимир Калюжний давлатимиз байроғи ва "Умумармия ўйинлари" байроғини кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р. Мирзаев мусобақа иштирокчиларини "Умумармия ўйинлари"нинг очилиши билан табриклади.

(Давоми 2-бетда).

Давра суҳбати

ФОЙДАЛИ ТАКЛИФЛАР КИРИТИЛДИ

ТОШКЕНТДАГИ Халқаро бизнес марказида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ушбу муҳим тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот-коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор бўлган давлат ҳамда нодавлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатнинг марказий оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари раҳбарлари, олий ўқув юртлари журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари ва журналистлар иштирок этган давра суҳбатида матбуот, телевидение ва радио фаолиятини эркинлаштириш, уларнинг мустақиллиги ва иқтисодий эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларнинг натижалари, мавжуд камчилик ва муаммолар муҳокама этилди.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш жараёнларини янада тезлаштириш, журналистларнинг ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, улар фаоллигини ошириш ва рағбатлантириш борасида фойдали фикр-мулоҳазалар баён этилди. Киритилган таклифлар юзасидан оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Абдулла Орипов сўзга чиқди.

КООПЕРАЦИОН САНОАТ ЯРМАРКАСИ

кўплаб истиқболли шартномаларни имзолашга имкон яратди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида юқори кўрсаткичларга эришишнинг муҳим омили бўлмоқда.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ташаббуси билан ўтказилган кооперацион саноат ярмаркасида ҳам мазкур ҳужжатнинг амалий аҳамиятини яққол кўриш мумкин. Кўргазма Қўйлиқ кўприклар темир-бетон конструкциялари тажриба заводининг кўргазмалар залида бўлиб ўтди. Стендлардан компанияга қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилаётган саноат ҳамда йўл-кўприк машина механизмлари жой олди. Унда «Ўзйўлмашсервис», Олмазор тажриба-механика ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда республика йўл хўжалиги ташкилотларининг эҳтиёжи учун темир-бетон конструкциялари, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар иштирок этди.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда «Ўзавтойўл» компанияси таркибида 200 дан зиёд йўл қуриш, таъмирлаш ва сақлашга ихтисослаштирилган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўргазма орқали бу ташкилотлар ўзларига керакли саноат маҳсулотларига йиллик шартномалар тузиш имкониятига эга бўлишди.

Кўргазма давомида тармоқ саноат корхоналарининг сўнгги вақтларда ишлаб чиқаришга татбиқ қилинган темирбетон маҳсулотлари, бутловчи қисмларининг тақдимот маросимлари ўтказилиб, уларнинг афзаллик ва қулайлик томонлари буюртмачиларга тушунтирилди.

Шунингдек, кўргазмага тизимдаги ташкилотлардан ташқари кўплаб соҳа вакиллари таширриф буюрдилар ва ўзларига керакли маҳсулотлар учун шартнома лойиҳаларини келишиб олишди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



СУРАТДА: кўргазма ишидан лавҳа.

Умумармия ўйинлари

ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Кураш бўйича жаҳон чемпиони, дзюдо бўйича бир неча карра Осиё чемпиони, кичик сержант Рамзиддин Саидов "Умумармия ўйинлари" машъаласини ёқди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни, жумладан, ҳарбийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларни спорт билан мунтазам шуғулланишига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, армиячи спортчиларимиз халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, совриндорлар қаторидан жой олаётир. 2007 йилнинг 14-21 октябрь кунлари Ҳиндистонда ўтган тўртинчи умумжаҳон ҳарбий спорт ўйинларида иштирок этган вакилларимиз бешта олтин, иккита кумуш ва еттита бронза медалини қўлга киритди.

Илк бор 2004 йил ташкил этилган ва ҳар икки йилда ўтказиш анъанага айланган "Умумармия ўйинлари" ҳарбийларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жанговар шайликни ва ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2004 йилги "Умумармия ўйинлари"да қатнашган спортчиларнинг 30 фоизга яқини спорт устаси, спорт усталигига номзод ва разрядлар бўйича белгиланган меъёрларни бажарган эди. 2006 йилда бу борадаги кўрсаткичлар янада юқори бўлди.

Бу галги мусобақаларни ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилди. Беллашувларни республика ва халқаро тоифадаги ҳакамлар бошқариб боради.

Маросимда Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти спортчиларининг кўргазмали чиқишлари ва Куролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда юртимиз эстрада юлдузлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

СУРАТДА: мусобақа иштирокчилари.

ЎзА сурати.

Қонунларни ўрганамиз

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 12 декабрда қабул қилиниб, 2008 йил 27 мартда Сенатнинг ўн учинчи ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда 2008 йил 10 апрель куни матбуотда эълон қилиниб, расмий кучга кирган **"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги** Ўзбекистон Республикасининг Қонуни маҳсулот ва хизматларни белгиланган меъёрлар ва сифатга тўғри келишини таъминлашга, истеъмолчилар ҳуқуқларини янада самарали ҳимоя қилишда, айниқса тегишли маълумотларга эга бўлмаган товарларни ишлаб чиқаришни ва сотилишини камайтириш имкониятини яратишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги **"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-573-сон Қарори** (1-сонли илованинг 4.4-банди) ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда ижтимоий ҳаётга татбиқ этилган **мазкур Қонунда белгиланган қуйидаги муҳим қоидаларнинг мазмун-моҳиятига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:**

биринчидан, маълумки, амалиётда кўп ҳолларда ишлаб чиқарувчилар товарнинг ишлаб чиқарилган санасини кўрсатмайдилар, бу эса ўз навбатида сотувчилар томонидан ишлаб чиқариш муддати кўрсатилмаган товарларни сотиш учун қабул қилиш ҳамда бунинг натижасида истеъмолчиларнинг товарнинг яроқлилик муддатини ҳисоблаш имкониятига эга бўлмасликларига сабаб бўлмоқда. Зеро, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший кимё товарларида уларнинг ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати ҳамда уларни сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Бу ўринда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига киритилган муҳим ўзгартиш ва қўшимчалардан бири – бу эндиликда сотувчиларга нафақат яроқлилик муддати ёки яроқлилик муддати ўтиб кетган, балки ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилмаган товарларни ҳам қабул қилиши ва реализация қилиши ман этилганлигидадир. Мазкур норма эса ўз навбатида истеъмолчиларни тўлиқ, шу жумладан товарнинг сифати, яроқлилик муддатида истеъмол қилиш ва назарда тутилган мақсадларда ишлатилиши тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Россия, Молдова, Украина каби давлатларнинг шу соҳага оид қонунларида мазкур норманинг мавжудлигини ҳам кузатиш мумкин;

иккинчидан, сўнгги пайтларда республикамизда истеъмолчилар томонидан ҳақиқатда кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олиш ҳолатлари бўйича манфаатдор органларга кўплаб ариза ва мурожаатларнинг келиб тушиш тенденциясининг давом этаётганлиги ўз навбатида, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддаси иккинчи қисмида "Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, шунингдек кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмас"ликларининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилишига сабаб бўлди.

Албатта, ушбу қоиданинг Қонунда ўз ифодасини топганлиги, ўз навбатида товар етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчилар томонидан товар ва хизматнинг баҳосини яхлитлашнинг олдини олишга хизмат қилади;

учинчидан, Қонуннинг 11-моддаси олтинчи қисмига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, яъни сотувчилар томонидан ишлаб чиқариш санаси кўрсатилмаган товарларни қабул қилиш ва сотиш тақиқланаётганлиги, ўз навбатида 27-модданинг иккинчи қисмига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлигини тақозо этади. Шу боисдан, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасининг иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари томонидан ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига) яроқлилик муддати билан бир қаторда, ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилиши шарт эканлиги қонун ҳужжатларида белгиланганлигига қарамай ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган товарларни реализация қилишга ва сотишга қабул қилганлик учун – товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи тегишли давлат бошқаруви органларининг ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроқлилиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг беш фоизи ва ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроқсизлиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга эканликлари белгиланди;

ва ниҳоят тўртинчидан, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига асосан, республикамизда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органларига истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш аломатлари аниқланган тақдирда, ишлаб чиқарувчидан (ижрочидан, сотувчидан) зарур ҳужжатлар, тушунтиришларни ва бошқа ахборотни сўраб олиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Аммо, амалдаги қонунчиликда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг маълумот тақдим этмаганлиги ёки нотўғри маълумот тақдим қилганлиги учун жавобгарлик чоралари белгиланмаганлиги, ўз навбатида, амалиётда монополияга қарши давлат органи томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларини бажаришда бир қатор низоли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Зеро, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ваколатли давлат органи фаолиятининг самараси, кўпинча зарур ишончли маълумотни тезкорлик билан олиши ва у асосида тегишли қарор қабул қилишига боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шу боис, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя этиш, бу борада давлат назоратини самарали амалга ошириш, бундан ташқари, қонун нормалари ўртасидаги бирхиллиқни, ўзаро мувофиқликни таъминлаш мақсадида, **Қонуннинг 27-моддаси иккинчи қисмида** Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари томонидан ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига) нафақат истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги ўз кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик, шунингдек уларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш, яъни юридик шахсларга – энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда; жисмоний шахсларга эса – энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга эканликлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эса ўз навбатида, монополияга қарши давлат органи томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларини амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўташга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши биринчидан, республикамизда бозор муносабатлари жадал ривожланаётган ҳозирги даврда истеъмолчиларни сифатли маҳсулот ва иш (хизмат)лар билан таъминлашга; иккинчидан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга; учинчидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан зарур чораларни ўз вақтида амалга оширишга; тўртинчидан, бозор муносабатларининг оддий тамойили – "Омбор учун эмас, истеъмолчи, харидор учун ишлаш керак" деган қоидага ҳўжалик юритувчи субъектларнинг амал қилишларига хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, истеъмолчилар ҳуқуқларининг устунлигини таъминлаш бўйича конституциявий қоиданинг барқарорлигига олиб келади.

Нуриддин НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари номзоди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН Миллий матбуот марказида мактабгача таълим ёшидаги болалар учун ўзбек тилида тайёрланган «Ранг ва шаклларни ўрганамиз» номли мультмедиа дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМ УЧУН ДАСТУР

Тадбирда янги мультмедиа таълим дастурининг қўлланилиши, бошқариш усуллари, унинг ўзига хос қулайликлари, методик ва технологик хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

«Ozbegim Dasturlari» электрон нашрлар таҳририяти томонидан амалга оширилган мазкур лойиҳа болажонларнинг ранглар ва шаклларни ажрата олиш кўникмаларини ошишига, қизиқарли ўйинлар ва мисоллар ёрдамида мантиқий тафаккурининг шаклланишига ёрдам беради.

«Туркистон-пресс».

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар диққатига!

Тошкент вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси қуйидаги объектга танлов савдоси эълон қилади:

"4К700 "Тошкент-Ўнқўрғон-Ёнариқ-М-39 а/йининг (808 км)" автомобиль йўлининг 0-4 км оралиғи йўл ёритиш қурилмаларини қуриш.

Қурилиш ишларини якунлаш муддати – 2008 йил 31 сентябргача.

Қурилиш ишлари: Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси – Тошкент вилояти "Тошконсалтингстройторг" давлат унитар корхонаси.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 75-уй. **Телефон:** (99871) 215-53-11.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Тошкент вилоятининг "Тошконсалтингстройторг" давлат унитар корхонасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Муртазоев кўчаси, 6-уй.
113/114-хоналар. Тел/факс: 150-15-48, 150-15-49.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 100 000 (юз минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (офёрталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уйда ўтказилади.

МАВЗУ ЭРКИН ТАНЛАНАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ислоҳотлар жадал тус олган бир пайтда иқтисодиёт тармоқларини ёш, малакали кадрлар билан таъминлаш беқиёс аҳамият касб этади. Бу эҳтиёжни қондиришда мамлактимиздаги кўплаб олий ўқув юртлари қатори Тошкент давлат аграр университетининг ҳам муносиб ўрни бор.

Яқинда мазкур таълим даргоҳида иккинчи мутахассислик бўйича иқтисодиёт йўналишида таҳсил олган бир гуруҳ талабалар битирув малакавий ишларини ҳимоя қилдилар. Ёш мутахассислар ишини синчиклаб ўрганган давлат аттестация комиссияси аъзолари уларнинг аксариятини юқори баҳолади.

– Очиғи, талабаларимизда битирув малакавий ишларга ёндашув масъулияти кейинги йилларда ошиб бораяпти, – дейди комиссия аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Ғаффор Самадов. – Бунинг бош сабаби ҳар бир битирувчи ўз қизиқиши ва нуқтаи назаридан келиб чиқиб, мавзуларни эркин танлашига етарли имконият берилаётганидир. Яна бир қувонарли жиҳат, бир гуруҳ талабалар ҳали у қадар тадқиқ этилмаган янги мавзулар устида иш олиб боришган. Уларнинг ишини кўздан кечириб, баъзи хулоса ва таҳлиллари бироз баҳсталаб, деган фикрга бориш мумкин, лекин улардаги интилиш ва иштиёқнинг борлиги жуда катта гап.

Дарҳақиқат, битирувчиларнинг банк, молия, пул-кредит сиёсати, суғурта тизими, бозор инфратузилмалари, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг турли жиҳатлари тадқиқ этилган дастлабки илмий ишларининг мазмун-моҳияти мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга уйғун ҳолда очиб берилгани, бу йўналишларда тўпланаётган тажрибалар билан бойитилгани уларнинг ҳаётий аҳамиятини таъминлаган. Шу боис, юқори баҳо олган бир неча ишлар алоҳида муҳокама учун илмий кенгашга тавсия этилди.

Шиддатбек АБДУЛЛАЕВ,
талаба.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

КЎКСАРОЙ МЕБЕЛИ – ХАРИДОРГИР

ҚЎШНИМ хайрли ташвишлар билан учиб-қўниб юрибди. Қизини унаштирган. Бир ойдан сўнг тўй, шунинг учун ҳар куни бозорга чопгани-чопган.

Ўтган куни уйидан шошиб чиқаётган қўшнимга дуч келиб, сўрадим:

– Ҳа, қўшни, каллаи саҳарлаб йўл бўлсин?

– Э, нимасини айтасиз? Қиз боланинг ташвиши оғирроқ бўларкан. Ҳали мебелини олмагандим. Тузукроғини қаердан олишни билолмай, ҳайронман.

– Э, шунга ҳам ташвиш қиласизми? – дедим. – Эринмай, Тошкент туманидаги Кўксарой қишлоғига борсангиз, «Дониёр» номли корхонада ўзингиз хоҳлаган пишиқпухта ҳамда ҳамёнбоп мебелларни топишингиз мумкин.

Бугун қўшним билан яна кўчада учрашиб қолдим.

– Раҳмат сизга, айтганингизча бор экан, – деди ўзида йўқ хурсанд. – Кеча меҳмонхона ва ётоқхона мебелларини бир йўла олиб келдик...

Дарҳақиқат, бугунги кунда «Дониёр» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқараётган турли мебеллар харидоргирлиги билан бозорда ўз ўрни ва мавқеига эга. Ваҳоланки, корхона даставвал «Қалдирғоч» номи билан 1987 йилда фаолият бошлаган ва фақат эшик-ром ясаш билан шуғулланган эди.

– Мустақиллик йилларига келиб, корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш имкониятлари туғилди, – дейди корхона раҳбари Комилжон Тоиров. – Бугунги кунга келиб биз каби тадбиркорлар ва ишбилармонларга кенг йўл очилди. Бунинг учун давлатимиз томонидан бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, татбиқ этилди. Ана шу қонуний имтиёз ва имкониятлардан биз ҳам оқилона фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.

Корхона «Дониёр» масъулияти чекланган жамияти номи билан фаолият юрита бошлаган кезлари Италия ва Россиядан мебель ишлаб чиқаришга мўлжалланган 20 минг долларлик техника ва технологиялар келтириб, ўрнатилди. Дастлаб ошхона ва ётоқхона мебеллари ҳамда стол-стуллар ишлаб чиқарила бошланди. Шу тариқа ишлар ривожланиб, меҳмонхона мебеллари ҳам ишлаб чиқариладиган бўлди. Ҳозирги кунда «Катя» ҳамда «Роза» девор мебеллари, шунингдек, «Офис» ва «Флоренсия» каби ишхона мебеллари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Мебелчиликда энг ноёб ҳисобланган ёнғоқ ва чинор дарахтлари тахталари ички бозордан олинмоқда. Бошқа турдаги тахталар эса Россиядан, лак-бўёқ маҳсулотлари Хитойдан олиб келинаяпти.

– Шу йил охирларида яна Италиядан 15 минг долларлик технология олиб келишни режалаштирганмиз, – дейди Комилжон Тоиров. – Шу ниятимиз амалга ошса, 50 нафар ишчиларимиз қаторига яна қарийб 30 киши қўшилади. Ўзўзидан ишлаб чиқариш сифати ва суръати ошади ҳамда маҳсулот турлари кўпаяди.

Даромадга қараб буромад деганларидек, корхона ҳудуддаги 3- ва 1-мактабларни ўз ҳомийлигига олган. Байрам тадбирлари ҳамда мактабнинг бошқа эҳтиёжлари учун «Дониёр» ўз ҳимматини аямайди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

СУРАТДА: корхонада иш жараёни.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Спорт Спорт

КОПАДЗЕ ДУНЁ ТЎПУРАРЛАРИ САФИДА

ЎЗБЕКИСТОН миллий терма жамоаси ва Тошкентнинг "Қурувчи" клуби ярим ҳимоячиси Темур Копадзе халқаро учрашувларда энг кўп тўп киритган футболчилар рўйхатига киритилди.

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунё бўйича ўз клуби ва миллий терма жамоа иштирокида 2008 йили ўтказилган халқаро ўйинларда энг кўп тўп киритган эллик нафар футболчи рўйхатини эълон қилди.

Жорий мавсумда сермаҳсул ўйин кўрсатаётган Темур Копадзе Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионатининг саралаш босқичида Саудия Арабистони терма жамоаси дарвозасига битта гол урган. Бундан ташқари, моҳир чарм тўп устаси "Қурувчи" таркибида Осиё чемпионлар лигасида учта голга муаллифлик қилди. Халқаро ўйинларда жами рақиблар дарвозасини тўрт бор ишғол қилган Т. Копадзе Халқаро ташкилот мутахассислари томонидан ўттиз саккизинчи ўринга лойиқ топилди.

Умумий рўйхатда эса саккизтадан гол урган салвадорлик Рудис Коралес, боливиялик Марсело Мартинс Морено ва нигериялик Стефен Воргу етакчилик қилмоқда.

Темур Копадзе Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан 2008 йилнинг энг яхши футболчисини аниқлаш мақсадида ўтказилаётган танловда ҳам номзодлар қаторидан жой олган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

МУСОБАҚА КЕТИДАН МУСОБАҚА

"ЁШЛАР ЙИЛИ" Давлат дастурининг 7-бандида "Ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш тизимини яратиш чора-тадбирлари" алоҳида белгилаб қўйилган. Бугунги кунда Тошкент туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежида бунга жиддий эътибор берилаётганлигини кузатиш мумкин.

Бир неча йилдирки, ўқув юртида ўзига хос мақсад ва мазмунга эга бўлган анъанавий спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, "Саломатлик куни" спартакиадаси, "Югурувчилар куни", "Қизлар спартакиадаси", "Меҳнатни шарафлаш куни" каби тадбирлар ёшлар тарбиясига бўлган эътиборнинг бир кўринишидир.

6-анъанавий "Саломатлик куни" спартакиадасида спортнинг бир қатор йўналишлари бўйича ёшлар ўзаро беллашдилар.

– Одатда ўқувчилар орасида спортга қизиқувчилар кўп бўлади, – дейди коллеж директори Саидкомил Раҳмонбердиев. – Шу жиҳатдан бундай тадбирлар жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бўлиб ўтган спартакиадада "Энг яхши спорт гуруҳи" номинацияси бўйича "Банк иши" гуруҳига тенг келадиганлар топилмади. Голибларга коллежнинг эсдалик совғалари топширилди.

Улуғбек ҲАМРОКУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалиги судининг 19.11.2007 йилдаги 11-0710/9735-сонли ижро варақасига асосан, "Ўртачирчиқ ТЎТПТФК"га қарашли, Ўртачирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Бобур кўчаси, 119-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. "К-701" русумли, д/р ЕР 4447 бўлган, 17.07.1998 йилда рўйхатдан ўтган трактор. **Бошланғич баҳоси – 5 100 000 сўм.** 2. "Погрузчик Л-34" русумли, д/р ЗУ 0597 бўлган, 1983 йилда и/ч техника воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 656 562 сўм 50 тийин.** 3. "УАЗ 31512" русумли, д/р 11 АС 882 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 2 664 000 сўм.** 4. "ПАЗ 672" русумли, д/р 11 АК 153 бўлган, 1969 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 555 500 сўм.** 6. "ГАЗ 3307" русумли, д/р 11 АР 392 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 806 250 сўм.** 7. "ЗИЛ 4505" русумли, д/р 11 АК 147 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 166 625 сўм.**

II. Шунингдек, аукцион савдосига Тошкент вилояти, Пскент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Ўртачирчиқ тумани туманлараро судининг 16.08.2007 йилдаги ижро ҳужжатига асосан хатланган, Пскент тумани, Охунбобоев ф/у, Оқтепа қишлоғида сақланаётган "М-412" русумли, д/р 11 L 9507 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 2 935 000 сўм.** Аукцион савдоси 2008 йил 3 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105.

III. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2008 йил 25 февралдаги 52-Д-сонли буйруғига асосан, якка тартибда уй-жой қуриш учун ҳамда деҳқон хўжалик юритиш учун сотилиши белгиланган қуйидаги ер майдонлари аукцион савдоларига тақроран қўйилмоқда. 1. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Водная кўчаси ҳудудида жойлашган, жами 3 та, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган, 5, 6, 7-ер майдонлари. **Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 161 920 сўм.** 2. Тошкент вилояти Оққўрғон тумани, Оққўрғон шаҳри, Фурқат кўчаси ҳудудида жойлашган, жами 4 та, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган, 3, 4, 5, 6-ер майдонлари. **Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 132 000 сўм.** 3. Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Сўқоқ" қ.ф.й. ҳудудида жойлашган, жами 8 та, ҳар бирининг сатҳи 0,06 га бўлган, 4, 7, 11, 15, 16, 17, 18, 20, 21-ер майдонлари. **Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 78 672 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йил 22 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Ер майдонлари 22 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 29 май куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан уч кун олдин тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105.

Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўч., 1-А уй. **Тел.:** 228-79-52. **www.rkmb.uz**

Тошкент вилояти Қибрай тумани ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри томонидан Акромов Абзал Шухратовичга тегишли Дала шийпони бино ва иншоотларига берилган TV № 012001 кадастр рақами № 1727248844-1-409-сонли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Совместное Узбекско-Канадское предприятие "Building Technologies", зарегистрированное свидетельством № 2548 Министерством Юстиции 15 июня 2005 года, ИНН 202076444, ОКПО 16442237 в соответствии с протоколом общего собрания учредителей № 1 от 30 апреля 2008 г. **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение 2 (двух) месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, 100015, ул. Нукус, 89. Тел: 215-72-40.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 5

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 22.55 «Иқлим».
7.05 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 17.15 «Олтин мерос».
8.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қандай гўзал бу дунё».
9.05, 17.55 «Изҳор».
9.10 «Болалар дунёси».
9.30 «Чинор». В/ф.
10.35 «КиноТеатр».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
13.05 «Ҳамон ёдимда...».
13.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ҳаёл».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаърида».
15.10, 20.50 «Минг бир ривоят».
15.15 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
16.15 «Нон қадри».
16.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қўриқхонанинг тўрт фасли».
17.20 «2008 йил – Ёшлар йили». «Менинг университетим».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Сардор». Т/с.
18.30 Инновацион ғоя ва лойиҳалар республика ярмаркаси.
18.50 «Бир кун».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.35 «Олтин қалам» танлови.
21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
23.10 «Табиб». Б/ф.

YOSHLAR

15.55 «Ватаним менинг!».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Кавингтон». Т/с.
17.00 «Ёшлар йили».
17.10 «Соғлик-бойлик».
17.30 «Ёшлар ва таълим».
17.45 «Келажак эгалари».
18.00 «Мулки мумтоз».
18.20 «Уфқ лочини». Т/с.
18.50, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.55 «Тошкент-2200».
19.30 «Алия». Т/с.
20.15 «Таъзим».
20.20 «ТВ-банк».
20.30 «Тошкент оқшоми».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Оқ кабутар».
21.10 «Жумонг». Т/с.
22.30 «О, ёшлигим!».
22.35 «SMS-мусиқа».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

17.55 М/ф «Дамбо».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 «Милагрос». Т/с.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «18 лет спустя».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.25 «Малахов +».
9.30 «Версия».
10.00 Сериал «Татьянин день».
11.30 Стрельба из лука.
18.00 «Полвонжон».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Футбол шарҳи».
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 Баскетбол.
21.50 Еврофутбол.

Марказ

7.00, 10.40, 18.00, 20.30 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
8.30, 17.00, 20.20 Мировые хиты.
9.30, 19.00 Сериал «Замонавий она».
11.00 Prime time.
11.30 «Гладиатор». Х/ф.
14.30 «Премьера».
15.30 Мультфильм.
17.30 «Кинокурьер».
21.30 Сериал «24 часа».
22.20 «Лысый нянька». Х/ф.
00.15 Миксер.

Первый

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.10 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.15 «Убойная сила». Сериал.
12.20 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.20 Рождение легенды. «Мимино».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.25 «Пусть говорят».
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Разведчики. Последний бой». Сериал.
21.30 «Гибель Гайдара. Легенда о красном всаднике».
22.25 Теория невероятности. «Трудоголики».
23.25 Ударная сила. «Наследницы Афины».
00.10 Х/ф «Республика любви».
1.45, 2.30 Х/ф «Сердце дракона».

СЕШАНБА 6

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 22.55 «Иқлим».
7.05 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 14.20, 17.15 «Олтин мерос».
8.40, 18.10 «Сардор». Т/с.
9.05 «Изҳор».
9.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Табиат билан юзма-юз».
9.30 «Ўйла, Изла, Топ!»
10.15 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.35 «Эзгулик».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
13.05, 21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
14.25 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаърида».
15.15 «Интеллектуал ринг».
16.00 «Олтин қалам» танлови.
16.20 «2008 йил – Ёшлар йили». «Менинг университетим».
16.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сополда акс этган дунё».
17.20 «Фарз ва қарз».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
18.55 «Икки дарё оралиғида».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.35 Эркин мавзу.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
23.10 «Табиб». Б/ф.

YOSHLAR

6.55 «Ватаним менинг!».
7.00 «Тараннум».
7.40, 17.10 «Мультипанорама».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
9.00, 19.30 «Алия». Т/с.
9.45 «Қадрдон қўшиқлар».
9.55 «Шарқ дарвозаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Афсона ва ҳақиқат».
10.55 «О, ёшлигим!».
11.00 «Kinomaniya».
11.30 «Ёшлар ва таълим».
11.45, 18.00 «Мулки мумтоз».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Journal».
13.10 «Ватанпарвар».
14.00, 18.20 «Уфқ лочини». Т/с.
14.30 «Сеҳрли қўллар».
16.10 «Кавингтон». Т/с.
17.00 «Даврнинг боласи».
17.50 «Болалар табассуми».
17.55 «Таъзим».
18.50, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.55 «Оқ кабутар».
20.15 «Таъзим».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Ватан меҳри».
22.30 «О, ёшлигим!».
22.35 «SMS-мусиқа».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

17.55 М/ф «Дамбо».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Ҳимоя».
20.20 «Милагрос». Т/с.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Ўзбеккино» намойиш этади: «Хаттотлик санъати».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Он, она и я».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.50 Сериал «Татьянин день».
11.20 «Спорт – менинг ҳаётим».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.55 «Мусиқий тайм».
19.25 «Жаҳон спорти юлдузлари».
19.50 «Joker, Superlotto».
20.00 Гандбол.
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 Баскетбол.
21.50 Еврофутбол.

Марказ

7.00, 8.30, 13.25, 18.00, 20.30 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 19.00 Сериал.
10.50, 20.20 Мировые хиты.
11.30 «Лысый нянька». Х/ф.
14.25 «Топ-10».
15.30 Мультфильм.
17.00 «Baby Terra Landiya».
17.30 «Премьера».
21.30 Сериал «24 часа».
22.20 «Держи ритм». Х/ф.
00.35 Миксер.

Первый

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.10 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.15 «Убойная сила». Сериал.
12.20 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.20 «Тайные дороги войны».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.20 «Пусть говорят».
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Разведчики. Последний бой». Сериал.
21.25 «Все, что нажито непосильным трудом».
22.25 «Сокровища Кенигсберга».
23.25 «Доброй ночи».
00.30 Х/ф «Сновидения».
2.30 Х/ф «Последний выход».

ЧОРШАНБА 7

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 22.55 «Иқлим».
7.05 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 14.20, 17.15 «Олтин мерос».
8.40, 18.05 «Сардор». Т/с.
9.20, 17.55 «Изҳор».
9.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
9.45 «Бизнинг кутубхона».
9.55 «Олтин оқу». М/ф.
10.25 «Ягона оилада».
10.45 «Ҳудудлар ҳаёти».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Айдаркўл кенгликларида».
13.05, 21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
14.25 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаърида».
15.15 «Заковат».
16.15 «Рангин дунё».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.20 «2008 йил – Ёшлар йили». «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Автоҳамроҳ».
18.55 «Икки дарё оралиғида».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.35 «Одамлардан бири».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
23.10 «Тақдир эшиги». Б/ф.

YOSHLAR

6.55 «Ватаним менинг!».
7.00 «Тараннум».
7.40, 17.10 «Мультипанорама».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
9.00, 19.30 «Алия». Т/с.
9.45 «Қадрдон қўшиқлар».
9.55 «Тошкент гуллари».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Афсона ва ҳақиқат».
10.55 «Оқ кабутар».
11.00 «Зулфия издошлари».
11.10 «Нафосат олами».
11.20 «Матонат».
11.35 «Камолот».
11.45, 18.00 «Мулки мумтоз».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Чемпион».
13.10 «Футбол-2008».
13.40 «Яшаш сирлари».
14.00, 18.20 «Уфқ лочини». Т/с.
14.30 «Сеҳрли қўллар».
16.10 «Кавингтон». Т/с.
17.00 «Даврнинг боласи».
17.50 «Болалар табассуми».
17.55 «Таъзим».
18.50, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.55 «Энг улуг неъмат».
20.15 «Таъзим».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Тошкент оқшоми».
22.30 «О, ёшлигим!».
22.35 «SMS-мусиқа».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 18.50 «Эсмеральда». Т/с.
8.55, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.15, 11.25, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.20 «Ҳимоя».
9.30, 10.30, 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45, 20.50 «Репортаж».
9.55, 21.45 «Ўйларим».
10.00, 19.25 Музыка SMS.
10.25, 18.25 «Биласизми?».
10.40, 20.20 «Милагрос». Т/с.
11.10 «Мысли вслух».
11.15 «Будьте здоровы».
11.35 Х/ф «Он, она и я».
17.55 М/ф «Алпомиш».
19.50 «Мисли гавҳар».
21.00 «Жозиба».
22.10 «2008 йил – Ёшлар йили»: «Эртамиз эгалари».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Дочь махараджи».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9:30, 18.50 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.50 Сериал «Татьянин день».
11.20 Қўл жанги.
16.55, 21.05, 22.55 Футбол.
19.10 «Халқ ўйинлари».
19.30 «Баркамол авлод».
19.50 «Спортлото».
20.00 Гандбол.
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 «Мусиқий тайм».

Марказ

7.00, 8.30, 13.50, 17.30, 20.30 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 19.00 Сериал.
10.50, 17.00, 20.20 Мировые хиты.
11.30 «Держи ритм». Х/ф.
14.30 «Кинокурьер».
15.30 Мультфильм.
21.30 Сериал «24 часа».
22.20 «Александр Великий». Х/ф.
00.50 Миксер.

Первый

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 12.25, 17.00, 22.40 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.15 «Детективы».
12.40 Торжественная церемония вступления в должность Президента Российской Федерации Д.А.Медведева.
13.45 «Понять. Простить».
14.20, 3.15 «Николай Гастелло. Кто совершил великий подвиг?».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.15 «Пусть говорят».
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.40 «Разведчики. Последний бой». Сериал.
21.40 «Леонид Быков. Последние 24 часа».
22.55 Футбол.Чемпионат России.
1.00, 2.40 Х/ф «Бойцовая рыбка».

ПАЙШАНБА 8

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 23.15 «Иқлим».
7.05 «Замин ғаройиботлари».
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 14.20 «Олтин мерос».
8.40, 18.05 «Сардор». Т/с.
9.15, 17.55 «Изҳор».
9.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
9.40 «Цирк, цирк, цирк».
10.00 «Жасур чўпон бола». М/ф.
10.10 «2008 йил – Ёшлар йили». «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.30 «Яхшилар ёди».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
13.05 «Сўнгги қиролича». Т/с.
14.25 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаърида».
15.20 Тошкент – 2200. «Тарих кўзгуси».
15.40 «Оҳанрабо».
16.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбек таомлари».
16.40 «Имконият».
17.15 «Шифокор қабулида».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.35 «2008 йил – Ёшлар йили». «Камолот остонасида».
18.55 «Икки дарё оралиғида».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.30 «Хонадон».
21.55 «Дард». Б/ф.
23.20 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
23.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Фаёзтепа».

YOSHLAR

6.55 «Ватаним менинг!».
7.00 «Тараннум».
7.40, 17.10 «Мультипанорама».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
9.00, 19.30 «Алия». Т/с.
9.45 «Қадрдон қўшиқлар».
9.55 «Тошкент-2200».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Афсона ва ҳақиқат».
10.55 «О, ёшлигим!».
11.00 «Автопатруль».
11.20 «Ёшлар йили».
11.30 «Нафосат олами».
11.40 «SMS-мусиқа».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Чемпион».
13.10 «Бир само остида».
13.45 «Темурҳон наслига».
13.50 «Келажак овози».
14.00, 18.20 «Уфқ лочини». Т/с.
14.30 «Сеҳрли қўллар».
16.10 «Кавингтон». Т/с.
17.00 «Даврнинг боласи».
17.50 «Болалар табассуми».
17.55 «Таъзим».
18.00 «Мулки мумтоз».
18.50, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.55 «Оқ кабутар».
20.15 «Таъзим».
20.20 «Тақдир».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Энг улуг неъмат».
22.30 «Kinomaniya».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 18.50 «Эсмеральда». Т/с.
8.55, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.15, 11.20, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.20 Камер оркестрининг концерти.
9.30, 10.30, 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
9.40 «Эртамиз эгалари».
9.55, 21.45 «Ўйларим».
10.00, 19.25 Музыка SMS.
10.25, 18.25 «Биласизми?».
10.40, 20.20 «Милагрос». Т/с.
11.10, 20.50 «Интервью».
11.30, 22.50 Х/ф «Дочь махараджи».
17.55 М/ф «Алпомиш».
19.50 «Экономическое ревю».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Қонун доирасида».
22.45 «Кино SMS со звёздами».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.50 Сериал «Татьянин день».
11.20 Қўл жанги.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Тет-а-тет».
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Мониторинг».
19.30 «Шарқ яккакурашлари».
19.50 «Гейм-Сет-Матч».
20.10 Гандбол.
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 Баскетбол.
21.50 «Аптека слушает».
22.35 Еврофутбол.

Марказ

7.00, 8.30, 14.00, 18.05, 20.20, 21.00 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 19.00 Сериал.
10.50 Мировые хиты.
11.30 «Александр Великий». Х/ф.
14.30 «Премьера».
15.30 Мультфильм.
17.00 «Baby Terra Landiya».
17.30 «Топ-10».
20.30 «JannatMakon».
21.30 Сериал «24 часа».
22.20 «Я, робот». Х/ф.
00.30 Миксер.

Первый

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.15 «Убойная сила». Сериал.
12.20 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.20 «Звезды эфира».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.20 «Пусть говорят».
18.05 «Поле чудес».
19.00 «Принцесса цирка». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.30 Все звезды в концерте «Песни Весны и Победы».
22.10 Х/ф «Свои».
00.10, 2.30 Х/ф «Возвращение».
2.40 Х/ф «Последний шаг».
4.05 «Тайные дороги войны».

ЖУМА 9

Хотира ва қадрлаш куни!

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 23.00 «Иқлим».
7.05 «Хотира». В/ф.
7.50 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
8.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 18.50, 20.50 «Минг бир ривоят».
8.45 «Онага таъзим».
8.55, 18.05 «Сардор». Т/с.
9.25 «Шашмақом».
10.30 «Хотира майдони».
10.45 «Одамлардан бири».
11.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Диёрим табиати».
11.20, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
11.55 «Хотира».
13.05 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаърида».
14.00 «Онага таъзим».
14.10 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
15.10 «Тошкент – 2200». «Қуёш шаҳри».
15.20 «Устоз ёди».
15.50 «Дилга яқин қўшиқлар».
16.25 «Хотира».
16.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муқаддас қадамжолар».
16.50 «Тўмарис». М/ф.
17.20 «Умр мазмуни».
17.40 «Бир ўлка-ки...».
18.00 «Хотира».
18.55 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «ТВ шифокор».
21.35 «Хотира».
21.40 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
21.50 «Ой бориб, омон қайт». Б/ф.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
23.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбегим ҳаёти».

YOSHLAR

6.55 «Ватаним менинг!».
7.00 «Тараннум».
7.40 «Тақдир».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
9.00, 19.30 «Алия».
9.45 «Қадрдон қўшиқлар».
9.55 «Хотира».
10.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Болари фитнаси». М/ф.
11.40 «Ватан мадҳи».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40, 20.20 «Хотира ва қадр».
13.00 «Келажак овози – 2007».
13.50 «Кулол».
14.00, 18.20 «Уфқ лочини». Т/с.
14.30 «Йигитлар».
14.50 «Оқ кабутар».
14.55 «Юртим юраги».
16.00 «Мешполвон». Б/ф.
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Мультипанорама».
17.50 «Болалар табассуми».
17.55 «Таъзим».
18.00 «Мулки мумтоз».
18.50, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.55 «Энг улуг неъмат».
20.15 «Айём муборак!».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Ватан меҳри».
22.30 «О, ёшлигим!».
22.35 «SMS-мусиқа».
23.00 «Ҳақ

ЯНА КЕЛИШ НИЯТИМ БОР

ЯНГИЙЎЛ туманидаги Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий бошқарувига қарашли кўп тармоқли сиҳатгоҳ бундан роппа-роса 50 йил аввал шифобахш сув топилиши муносабати билан қурилган. Дам олиш уйи 255 кишига мўлжалланган. Мустақиллик йилларида қайта таъмирланиб, янги замонавий асбоблар, жиҳозлар билан таъминланди.

Бу ерда юрак қон-томири, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, қандли диабет, эндокрин, тери ва сийдик йўллари хасталикларига чалинган беморлар даволанади.

Атрофи ям-яшил дов-дарахтлар, гулу гулзорлар билан ўралган бу хушҳаво масканда кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган шифокорлар, малакали мутахассислар хизмат кўрсатишади.

Пскентлик 80 ёшли Ҳикмат ота Сулаймонов дам олиш уйидаги шароит, хушмуомила шифокору ҳамширалар хизматидан жуда миннатдор:

– Яхши сўз жон озиғи, – дейди отахон. – Бундай сўлим, хушҳаво масканда ширинсўз, фидойи инсонлар ардоғида вақтнинг қандай ўтганини билмай қолдим. Насиб этса, яна келиш ниятим бор.

Гулистонлик Мукаррам Бойматованинг бу ерга иккинчи марта келиши.

– Танга хуш ёқувчи муолажалар туфайли иштаҳам яхшиланиб, оёқларимга жон кирди, – дейди у. – Соғлом вужуд инсонни фақат эзгу амалларга ундаса, одамларимиз янада меҳр-оқибатли бўлса, ҳамма дард чекиниши аниқ.



Саида РАҲМОНОВА.

СУРАТЛАРДА: муолажалар кўнгилдагидек ўтмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Мутахассис огоҳлантиради

ОҚИБАТИ ХАТАРЛИ

ЖИЯНИМ мактабдан қайтаётиб, йўл четида ётган итга тош отибди. Ит ҳам қопоғонроқ эканми, уни тишлаб олибди. Ҳозир ота-онаси хавотирланиб, шифохонага қатнаяпти. Ит тишласа, инсон қутиради, деб эшитганман. Бу касалликнинг давоси борми?

Даврон САЛИМОВ, Зангиота тумани.

Қутириш касаллигининг давоси йўқ, лекин олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу хасталик ўткир юқумли касаллик бўлиб, унга чалинган кишини дастлаб талваса тутади, кейин фалаж бўлади. Агар бу ҳолатнинг олди олинмаса, касаллик ўлим билан тугайди.

Қутириш касаллигини асосан итлар, мушуклар тарқатади. Ит, мушук, сигир, от, чўчқа, каламуш, сичқон, бўри, чиябўри, тулки ва бошқа ҳайвонлар шу касалликка чалинади. Улар одамни тишласа, тирнаса ҳамда сўлаги терининг жароҳатланган қисмига тегса, касаллик вируслари орқа мияга етиб боради ва шу ерда кўпайиб, мия фаолияти бузилишига олиб келади.

Касалликнинг яширин даври 1-2 ой, баъзан эса бир йилгача чўзилиши мумкин. Қутириш клиник кечишига қараб уч даврга бўлинади. Улар бошланғич, кўзғалиш ва фалаж даврларидир.

Касалликнинг бошланғич даври 2-3 кун давом этади. Бунда беморнинг уйқуси ва иштаҳаси бузилади, қўрқув ҳисси уйғониб, атрофга лоқайд бўлиб қолади.

Касалликнинг иккинчи даврида беморда сув ва ҳаводан қўрқиш аломатлари пайдо бўлади. Чанқаб, суюқлик ичса, нафас мускуллари тортишиб, қаттиқ оғрийди. Шунинг учун бемор баъзан суюқликни кўриш эмас, балки номини эшитганида ҳам уни ваҳима босади. Бу даврда беморнинг ҳарорати 38 даражага кўтарилади, овози бўғилади, терлаб, сўлаги оқади, ҳиқичоқ тутади, кўз қорачиғи кенгаяди, оёқ-қўллари оғрийди, кўзларида ваҳима зоҳир бўлади.

Бемордаги ёруғликдан қўрқиш аломати ҳам қутириш касаллигига хос белги бўлиб, бунда у сурункали ухлай олмайди, ўз-ўзини тишлайди, эс-ҳуши кирарчиқар бўлиб қолади. Кейинчалик беморнинг кўзига йўқ нарсалар кўринади, алаҳсирайди. Бу ҳолат 2-3 кундан 5-6 кунгача давом этиши мумкин.

Учинчи – фалажлик даврида касалнинг сувдан қўрқиши анча камаяди, бемор тинчланади, суюқлик ича бошлайди. Лекин ҳарорати юқори бўлиб қолаверади. Гапирганда сўзларни аниқ ва тиниқ айта олмайди. Шундан сўнг оёқлар ва тананинг бошқа мускуллари ҳам фалаж бўлади. Оқибатда бемор вафот этади.

Одамни қутирган ҳайвон тишлаганда, ўша жойни тезда 20 фоизли совунли эритмада ювиб, йод суртиш, кейин стерилланган дока билан сиқиб боғлаб, врач-рабиолог маслаҳатига олиб бориш зарур.

Агар тишлаган ҳайвон ташқи кўринишидан соғ бўлса, уни алоҳида жойга боғлаб қўйиш ёки эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда зудлик билан туман ветеринария бўлимига олиб бориш керак. Бу ерда уни 10 кунгача 2 маротаба кузатувга олинади. Биринчи ва иккинчи 10 кунликдаги маълумотларни тумандаги врач-рабиологга етказилади. Шундан сўнг ветеринария маълумоти асосида шифокор қутиришга қарши профилактик даволаш курсини бошлайди.

Қутириш касаллигининг олдини олиш учун ҳайвонларни тўғри боқиш, айниқса, ит ва мушукларни ёш болалар бор жойда сақламаслик керак.

Ҳайвон тишлаб олган кишилар врач кўрсатмаларини аниқ бажариши ва қутиришга қарши эмланишлари шарт.

Дайди ит ва мушукларни йўқотиш, хонакиларини ветеринария кўригидан мунтазам ўтказиб туриш хасталик одамлар ўртасида тарқалиб кетишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Умарали Мирзаев, Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали эпидемиологи.

Чилонзор туманидаги Иқтисодиёт-сервис коллежи (аввалги Тошкент Агротижорат коллежи) томонидан 1999 йилда Қонысбоев Ботыр Мусулманқулович номига берилган № 291372 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мирзо Улуғбек туманидаги Янги технология бўйича республика касб-ҳунар лицейи томонидан 2000 йилда Юлдошев Шухрат Қахраманович номига берилган КНТ-161827 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сергели туманидаги "DAVR QURILISH SERVIS" (ОКОНХ 61110, ИНН 206289398) хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади.

Утерянную круглую печать и угловой штамп выданный на ТчСЖ "Таманно коммунал" г. Ташкента Хамзинского района **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти жамоаси Ўртачирчиқ тумани «Машъал» газетаси бош муҳаррири Ҳамид Норқуловга волидаи муҳтарамаси **КАРОМАТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан 14-сонли болалар шифохонасига 1999 йил 19 октябрда реестр сони 04-00440 бўлган Тошкент шаҳар корхонани рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги давлат Далолатномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ОДАМЛАР

(Ҳикоя)

Ўша куни иш анча чўзилиб кетди. Аҳрор котибиятдан чиқиб, ўз хонасига кирганида бошқа ходимлар аллақачон кетиб қолишган эди. У қизил шарфини бўйнига ташлаб, пальтосини кийди. Шу пайт деразага кўзи тушди-ю, ташқарида паға-паға қор ёғаётганини кўриб, бугун шляпа кийиб келганини эслади. Аммо қозиқда шляпа йўқ. Аҳрор ўйланиб қолди: шляпа нега йўқолади? Ёки бирор хонада қолдириб чиқдими? Ё бирортаси ҳазиллашиб, беркитиб қўйганмикин? Йўғ-е, мен билан ким ҳам ҳазиллашарди, ҳазилкаш дўстим Тоир таътилда-ку!

Аҳрор ўз хонасини синчиклаб кўздан кечирди: стол тортмаларидан тортиб то шкаф ғаладонларигача бир-бир қараб чиқди. Лекин шляпа топилмади.

Аҳрор котибиятга қайтиб кирганда макетчи Эрматов газета макетларини курьер йигитчага тутқазаётган эди.

– Ҳали ҳам шу ердамисиз? – деди у Аҳрорга.

– Ипсиз боғланиб қолдим. Шляпам қўйган жойимда йўқ.

– Шляпа ичида бошингиз бўлмагани соз бўпти-да! – ҳазилга бурди Эрматов. – Йўқолмасдан илгари бормиди ўзи.

– Эрталаб кийиб келганим эсимда.

– Йўғ-е, – деди котиб энди жиддий вазиятда, – пальто, шарфингиз жойида туриб, фақат шляпани ким ҳам оларди, бошқа хоналарни қаранг-чи, балки топилиб қолар.

Аҳрор бошқа хоналарни бирма-бир қараб чиққач, компьютер хонасига кирди. Компьютерчи Шарифа опа мақола кўчирар, қабулхона котибаси Манзура эса ҳадеб унга: «ишни тугата қолинг энди, қолганини эртага қиларсиз» дерди.

– Мабодо шляпам шу ерда эмасмикин, деб кирувдим...

– Боя пешинда кирганингизда бошяланг эдингиз, – деди Шарифа опа, – бу ерда бўлса турарди, албатта. Бугун бегона одам киргани йўқ.

– Пальтом, шарфим жойида-ку, шляпам йўқолгани қизиқ.

Бу гапни эшитгач, Манзуранинг ранги қизаринқиради, лекин сездирмасликка ҳаракат қилди.

– Янгимиди? – сўради Шарифа опа.

– Ҳа.

– Қанчага олувдингиз?

– Эсимда йўқ.

– Эсизгина, ёмон бўлибди, – Шарифа опа ишини йиғиштиришга тутунди.

Эрматов, Аҳрор, Шарифа опа ва Манзура биргалашиб кўчага чиққанларида, қор тезлашиб, совуқ кучайган эди. Эрматов йўл-йўлакай ҳам Аҳрорга ҳазиллашишини қўймасди:

– Эрталаб ишга келганингизда шляпангиз кўзга чалинмовди чоғи, Аҳроржон. Уйингизни бир қараб кўринг, гилам-пилам тагидан чиқиб қолса ажаб эмас. Шаҳардан чиқиб кетмаган бўлса, топилиши турган гап.

Аҳрор Эрматовнинг ҳар бир гапини жилмайиб қарши олар, лекин бир оғиз ҳам сўз айтмасди. Тўғриси, унинг қулоғига ҳозир гап кирмасди. Ўз хаёли билан банд эди. Чунки у ошиқ эди: ошиқ учун ёр васли хаёлида ўй ўйламоқдан ортиқроқ ширин нарса бормикин дунёда!

Шарифа опа «Аҳроржон асл кийимларни киярди, шляпаси ҳам қимматбаҳо бўлса керак, анча пул ва войвойлаб кетди-да» дея ўзича ачиниб борарди.

Манзура учун гўё қор Аҳрор устига эмас, балки фақат ўз устига ёғаётгандек бўлиб туюларди, юрган сари совқотиб, жунжикиб борарди. Эрматовнинг Аҳрор устидан кулаётгани қизни ботинда ғижинтирса-да, зоҳирда индамасди. Гоҳо-гоҳо Аҳрорга кўз қирини ташлаб қўярди.

Ҳамкасблар трамвай бекатида хайрлашаётганларида Аҳрорнинг қуюқ қора қошларигача қор учқунлари қўнганди...

Аҳрор меҳнат таътилидан қайтган куни муҳаррир номига рапорт ёзиб, қабулхонага кирган эди. Ана шунда у биринчи бор Манзурани кўрди. Кўрди-ю, ўзини йўқотди қўйди. Манзурага маҳлиё бўлиб узоқ туриб қолганини сезмади ҳам. Йигитдаги бу ўзгаришни сергак Манзура дарров фаҳмлади.

Шу куни Аҳрорнинг қўли ишга бормади. Буни у ўзича меҳнат таътилида юрганининг таъсирига йўйди.

Эртаси куни Аҳрор қабулхона орқали муҳаррир ҳузурига ўтаётиб, Манзура бармоғида «боши боғлиқ» маъносини англатувчи узукни кўриб қолди. У муҳаррир ҳузурига қандай кирганини ҳам, қай аҳволда чиққанини ҳам сезмади.

Кейинги кунларда Манзура ўша узукни тақмай қўйди. Аҳрор бунинг боисини касбдоши, шоира Гулнора орқали сўраттирди. Манзура аввалига: ўзингиз сўраяпсизми, дебди. Шунда Гулнора Аҳрорни тилга олибди. Манзура ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлаб эдим, дебди. Маълум бўлишича, Манзура турмушга ҳам чиқмаган, унаштирилмаган ҳам экан. Айрим енгил табиат йигитлар гап ташлайвериб, безор қилишмасин, тинчгина юрай, ахир бу ер бегона шаҳар бўлса, деган ўйда «ўшанақа» узук тақиб олган экан. Буни эшитиб, Аҳрорнинг қалбидаги умид учқунлари қайта алангаланиб кетди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Манзурани ҳоли учратиб, у билан суҳбатлашди. Гап айланиб, ўша узукка тўхтади.

– Мен ўшанақа узук ҳадя этсам, бир умрга тақиб юрасизми? – деди Аҳрор Манзурага кўзларида умид учқунлари алангаланиб.

Манзура жим қолди, «ҳа» ҳам демади, «йўқ» ҳам демади. Аҳрор таклифини яна такрорлади. Шундагина Манзура йигитга ер остидан боқиб:

– Нега менга бундай деяпсиз? Ахир, мени кўрганингизга бор-йўғи уч-тўрт кун бўлди-ку! Дарров менинг кимлигимни қандай била қолдингиз, – деди.

– Одамни бир кўрганда ҳам билиш мумкин, баъзан эса уни умрбод ҳам англаб олиш қийин.

Суҳбат шу ерда узилиб қолди: қабулхонага почтальон бир даста газета-журнал кўтариб кирган эди.

Бир куни Аҳрор Манзурага бир дона қизил атиргул ҳадя этди. Қиз гулни иймانибгина олди-ю, лекин қовоғини очмай, оддийгина «раҳмат» деб қўя қолди. Шундан бери орадан бир ойча вақт кечди. Шундан буён Аҳрор паришонхотир бўлиб қолди. Мана бугун эса шляпасини йўқотиб, тўғриси уни қаерда қолдириб кетганини эслаёлмай, Эрматовга кулги бўлиб ўтирибди.

Манзура гўё Аҳрорга беғарвадек бўлиб кўринса-да, аслида Аҳрор меҳнат таътилида юрган чоғлариданоқ унга қизиқиб қолганди. Ҳамкасблари орқасидан яхши фикр айтишяпти, демак ёмон йигит бўлмаса керак, деб Аҳрорнинг газета-журналларда босилган айрим асарлари, мақолалари билан танишганди. Лекин ҳамон ўзини Аҳрорга нисбатан бепарво кўрсатишга интиларди.

Умуман, қиз ҳали йигитга очиқ-ойдин гапирмаганди. Чунки у бирор қарорга келмаганди.

Аҳрор уйга келгач, хаёлини бир жойга тўплаб, бугун қаерларда бўлганини, таҳририятнинг қайси хоналарига кирганини бир-бир эслади: «Тушки овқатдан қайтганимда қўлимда шляпам бор эди. Тўппа-тўғри қабулхонага кирдим. Ҳа, энди эсимга тушди. Ўшанда телефон қилаётиб, шляпамни Манзуранинг столи устига қўйгандим. Ҳа, шляпам ўша ерда қолган, демак у йўқолмаган, қабулхонада турибди. Йўғ-е, нега бўлмаса боя кирганимда шляпам кўзга ташланмади. Ёки Манзура уни бошқа жойга олиб қўйдимикин? Шундай қилган бўлса, нега ҳали бу ҳақда индамади?»

Аҳрор шляпасини қабулхонада қолдириб кетгани тўғри. Манзура бир кўнгли шляпани Аҳрорга олиб берай деди. Кейин бу шаҳидан яна қайтди: йигит кишининг шляпасини қўлимда кўрган кишилар буни нимага йўяркинлар? У шляпани ўз столи устида туришини ҳам эп билмай, уни дарров шкафга қўйиб қўйди. Сўнгра буни бутунлай ёдидан чиқазди. Фақат Аҳрор компьютер хонасига шляпасини қидириб кирганидагина эсига тушди. Аммо энди ғишт қолипдан кўчганди. У мен қабулхонадаги шкафга қўйиб қўйгандим деса, Манзура Аҳрорга ҳазил қилиб, шляпасини бекитиб қўйибди деган хаёлга боришлари аниқ эди. Шу сабаб бу ҳақда индамай қўя қолди. Бир кўнгли айтай дейди-ю, аммо ундаги ҳаё бунга йўл бермади, қизлик иффати устунлик қилди.

Эртаси тонг билан Аҳрор таҳририятга йўл олди. Ҳаммадан илгари бориб, қабулхонани бир кўздан кечирмоқчи эди.

Аҳрор устки кийимини ечиб қўйиш учун ўз хонаси эшигини очиши биланоқ кўзи Манзурага тушди. У Аҳрорнинг шляпасини қозиққа илаётган эди. Қиз қизариб кетди:

– Кечирасиз... стол устида қолдириб кетган экансиз. Шкафга қўйиб қўйгандим. Кеча Шарифа опанинг олдиларида айтолмадим.

Аҳрор Манзура нималар деяётганини эшитмас, фақат қизнинг очилиб сўзлаётганидан беҳад масрур эди...

Одамлар... Улар жуда қизиқ. Бири иккинчисига сира ҳам ўхшамайди.

Аҳрор учун севгилисининг бир оғиз очилиб айтган сўзи энг катта бахт.

Манзура ўз севгиси камол топмагунча, уни ошкор қилолмайдиган хаёли қиз. Бир қараганда бу ғоят яхши одат.

Шарифа опа эса йўқолган буюмга унинг қийматига қараб ачинадиган аёл.

Эрматов бўлса, бутунлай ўзгача. У кишининг руҳиятига қараб муомала қилмайди. Бирор киши ўзи сезмаган ҳолда қандайдир камчиликка йўл қўйдими, бўлди, унинг устидан кулади, тўйиб-тўйиб кулади, шу билан ўзича ҳордиқ чиқаради, устига устак бошқаларнинг ҳам ўзи билан бирга кулишларини истайди, шунга ҳаракат қилади. Мана бугун Аҳрорнинг шляпаси ўз хонасидан топилганини эшитиб ҳам Эрматов роса кулди, гўё ўзича Аҳрорни мазах қилган бўлди. Лекин ҳаммани ўзи билан бирга кулишига эриша олмади.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ.

Дўрмон ҳангомалари

МАФКУРА КОТИБИ

Бўрибой Аҳмедов шўролар замонида бир куни она юрти Андижонга боради. Тасодифан собиқ курсдоши, обкомнинг мафкура ишлари бўйича котибини учратиб қолади. Ҳол-аҳвол сўрашгач, котиб олимга ўзича хайрихоҳлик билдирган бўлиб, шундай дермиш:

– Буни қаранг-а, Сиз ўша-ўша қишлоқда қолиб (1941-1945 йилги урушнинг бошидан охиригача қатнашган Бўрибой ака урушдан кейин маълум муддат қишлоқда муаллимлик қилган эди) кетдингиз-а? Биз эсак мана шу ерда... ҳа энди, тақдир экан-да! Ўзингиз ҳам ортиқча мағрурлик қилмай, бирров менга учрашганингизда, пединститутданми ёки биронта тузукроқ жойданми иш-пиш топтириб берардим. Аттанг...

Ажабо, мафкура котиби собиқ курсдошининг республикадан ташқарида ҳам маълум ва машҳур, таниқли шарқшунос олим бўлиб етишганидан бехабар эди! Шу боис Бўрибой ака у билан тортишиб ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Калтабин курсдошига афсус-ачиниш билан қараб, гапни қисқа қилади:

– Ҳечқиси йўқ, сиз ташвишланманг. Менга шу... ҳозирги ишим ҳам бўлаверади.

ВИЖДОН АЗОБИ

Бўрибой ака троллейбусда кетаётиб, бир вақтлар «Алпомиш» достонини уриб чиққан олимни учратиб қолди. У озиб, чўпдай бўлиб кетганди. Бўрибой ака олимдан ҳол-аҳвол сўраган бўлиб, чандиб олди:

– Нима бўлди сизга? Алпомишдек йигит эдингиз-ку?!

Олимнинг дами ичига тушиб кетди. Навбатдаги бекатда хайр-маъзурниям насия қилиб, ўзини эшикка урди.

ЭНДИ АЛМАШТИРОЛМАЙДИ

Шоир Шукур Қурбон янги уйланган учинчи хотини билан устози Озод Шарафиддинов (марҳум)ни йўқлаб уйига боради. Андак хижолат ила устозга янги хотинини таништиради:

– Озод ака! Бу келинингиз, ўзи милицияда ишлаган, ҳозир нафақада. Энди, шунақа бўлиб қолди, тақдир экан...

– Сиз шоирларни аслида худди шундай жазолаш керак! – дейди устоз ҳазиломуз. – Мана энди хотинни алмаштириб кўринг-чи!

ФИШЕРНИ ҲАМ ЮТГАН

Устоз Озод Шарафиддинов шахмат ўйнаш мумкин бўлган ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланарди. Қизимнинг никоҳ тўйига келганларида ҳам ҳали меҳмонлар тарқар-тарқамас «Бўлди, ёпинг энди дўконни, шахматни бошлаймиз!» деб қолдилар. Устоз амри вожиб. Ёзувчилар «дом»ининг орқасидаги ишком остига яхшигина жой қилиб, шахмат жангини бошлаб юбордик. Шунда Озод аканинг яқинда «Афанди» газетасида босилган мазмунли суҳбати эсимга тушиб қолди. Унда устоз рақибларини шахматда қандай қилиб ютганлигини ҳам мароқ билан ҳикоя қилганди.

– Озод ака, суҳбатни маза қилиб ўқидик. Фақат, шахмат бобида анча «камтарлик» қилиб юборибсиз, – дедим.

Устоз ҳазилга ҳазил билан жавоб қилдилар:

– Эй, мен ҳали Фишерни қандай қилиб ютганлигимни айтганим йўқ.

Шодмон ОТАБЕК.

Рассом ҳандаси

Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

Дочернее предприятие "MATLUBOT INVESTMET" С. Рахимовского района г. Ташкента (ИНН 204301004, ОКПО 18817823) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, С. Рахимовский район, ул. Джами, 5. Тел: 248-02-60.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 8907. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.45. 1 2 3 4 5 7 8